

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Каримова Мунисахон Ҳаётжон қизи

Қўқон давлат педагогика институти талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8207174>

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланишнинг глобаллашуви шароитида давлатнинг рақобатбардошлиги унинг мавжуд илмий-маърифий ва илмий-техникавий салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш, инновацияларни иқтисодиётга кенг тадбиқ этиш орқали мамлакатнинг барча соҳаларини ривожлантириш, айниқса, кичик тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, ёшларга бу соҳада зарурий имтиёзлар яратиш орқали уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар ва иборалар: Ривожланишнинг глобаллашуви, давлатнинг рақобатбардошлиги, илмий-маърифий ва илмий-техникавий салоҳият, инновациялар, кичик тадбиркорлик, миллий хунармандчилик, зарурий имтиёзлар, тадбиркорлик кўникмалари.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳатларнинг инсонпарварлашуви ҳисобланади.

Жамият ва инсон манфаатига қаратилган ҳар бир ислоҳатнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу боис сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосда қурилган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълим тараққиёти тажрибаларига таянган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифалардан бирига айланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

МДҲ олимларидан И.Л.Тимонина, И.В.Жижина, А.А.Филозоф, Е.И.Пакулова кабиларнинг тадқиқотларида миллий хунармандчилик масалалари умумий тарзда ёритилган. Э.М.Пешерова ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё ҳудудидаги бадиий хунармандчилик, хусусан, Қадимги ва Ўрта асрлардаги кулолчилик тарихини таҳлил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари ва уни ривожлантириш муаммолари ўзбекистонлик олимлар Б.Ю.Ходиев, И.А.Бакиева, А.Ё.Остонов, С.Пармонов, Қ.Ҳ.Муфтайдинов, Н.С.Касимова, М.С.Қосимова кабилар томонидан тадқиқ этилган. Талаба ва ёшларда иқтисодий билим ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари Н.А.Камалова, С.Бобоқулов, Р.Р.Ҳакимов ва А.Б.Низамов кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Миллий хунармандчиликка оид таҳлиллар шуни кўрсатдики, мамлакатимизда хунармандчилик ва тадбиркорликнинг маълум жиҳатлари илмий холислик, тарихийлик нуқтаи назаридан Ҳ.З.Зиёев, Ғ.А.Аҳмаджонов, Ҳ.Н.Бобобеков, Ш.Х.Воҳидов, Қ.Ражабов, Н.Абдурахимова, З.Э.Азимова, М.Б.Артиқова, Х.Т.Азизов, Ғ.А.Агзамова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Психолог олимлардан Г.И.Шчукина, М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Р.И.Суннатов, З.Т.Нишонова ва бошқалар муаммонинг психологик жиҳатлари ҳақида

фикр билдирган бўлса, педагогик фасилитация масаласи эса П.Нумми, Д.Йўлдошева, Н.М.Эгамбердиева кабиларнинг ишларида ёритилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги техника ва технологияларнинг ривожланишини юксак босқичга кўтарилган, ишлаб чиқаришни кенг кўламли компьютерлаштиришга асосланган, истеъмол маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқаришга талаб ортган бир пайтда миллий хунармандчилик воситасида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни яратиш талаб этилмоқда.

Айтиш жоизки, миллий ўзликни англаш, ота-боболар меросини асраб-авайлашга эътиборнинг кучайиши самарасида миллий хунармандчилик жадал ривожланмоқда. Бу соҳа янада сайқал топиб, мазмунан бойиб, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғига айланди. Илгари хунармандлар ўзлари ясаган буюмларни сотиш, намоёниш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида хунармандлар гузарлари фаолият юритмоқда, бозорларда махсус савдо расталари ташкил этилган. Буларнинг барчаси асрлар давомида сақланиб келаётган ўзбек миллий хунармандчилиги ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар учун сармоя манбаи бўлибгина қолмай, соҳада мавжуд бўлган илғор жараёнларни келажакда сақлаб қолиш ҳам демакдир.

Юксак интеллектуал ва жисмоний камолатга эга бўлиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларидан хабардор, меҳнатга онгли-ижодий муносабатда бўлган ёшларни тарбиялашни тақозо этади ва талабаларда миллий хунармандчилик воситасида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда педагогик нуқтаий назардан тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилади.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мабойнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига ва ҳозирги ривожланиш даврининг ютуқларига таянаемиз.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни ҳар томонлама камол топиши учун унинг ҳар бир буғини алоҳида ўрин эгаллайди ва республика иқтисодий салоҳиятининг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ечиш, бу соҳага ёшларни, касб-хунар коллежлар ва олий ўқув юрти битирувчиларини кенг жалб қилиш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Айнан тадбиркорликни ривожлантиришда узлуксиз таълим тизимининг маълумотлар билан боғлиқ бир қаторда унинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ўрганиш зарур.

Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ташкил этиш, шу жумладан миллий хунармандчиликни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг ҳамда ўрта мулкдорлар синфини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида нафақат жамиятнинг миллий ва маънавий салоҳиятини оширишга кўмаклашади, балки миллий бойликни кўпайтириш, иқтисодиётни жаҳон тизимига уйғунлашувини ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

ХУЛОСАЛАР

Миллий хунармандчилик воситасида талабаларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш меҳнатга онгли муносабатни шакллантиришдир. Мазкур мақсадга эришиш йўлида қўйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- Талабаларда меҳнат қилиш истагини қарор топтириш ва уларни замонавий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритишга тайёрлаш;
- Миллий хунармандчилик воситасида талабаларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш.

References:

1. Schnepf, Gerald J. and Howard R. Bowen. 2007. "Social Responsibilities of the Businessman." *The American Catholic Sociological Review* 15(1):42.
2. Katherine M. B. 2006. "Knowledge as a Marketing Strategy: Cultural Information and Ethnic Crafts in the Retail Environment" A thesis submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Master of Arts in Latin American Studies. University of California, San Diego 2006. P103
3. Courtney Lee Weida. "Crafting Creativity & Creating Craft" *Adelphi University, New York, USA*. 2014 Sense Publishers.p-82
4. "The EFA movement". *United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization*. Retrieved 11 Sep 2010.
5. United Nations Millennium Development Goals website, retrieved 21 September 2013
6. UNESCO. "Word Education Form Press Kid" (PDF). Retrieved 3 March 2013.
7. Ромашина С.Я.Майер А.А. Педагогическая фасилитация сущность и пути реализации в образовании Учеб. Пос. –М. 2010-63 с
8. Иқтисодиёт ва таълим. //Журнал. 1-2 сон. 2016.
9. Халқ сўзи //Газета. 2017 й. 22-январ сонли.
10. Таълим ва тарбия. //Журнал. 2016 й. 3-4 сон.
11. Иқтисодиёт ва таълим. //Журнал. 1-2 сон. 2017.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги Иқтисодий ривожлантириш бўйича яқунлари. – Т.: Статистика давлат қўмитаси, 2018 йил.
13. <http://sharh.uz/jamiyat/item/358-hunarmandchilik-faoliyati-uchunimtiyozlar>
14. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/hunarmand.tadbirkorlik.rivojlantirish>
15. www.ziyonet.uz
16. <http://www.istedod.uz/>
17. <http://www.pedagog.uz/>